



# НУҚУ

1997-йил 27-августдан chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 30-АПРЕЛ, №17 (1214)

DOLZARB

## МАҚСАДИМИЗ БИР, БИРГА ЕНГАМИЗ

Коронавирус пандемияси сабаб жорий қилинган карантин шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, озиқ-овқат етказиб беришнинг узлуksизлигини таъминлаш ҳамда карантин қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган бўлиб, бу борада прокуратура органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тегишли органлар билан ҳамкорликда унни тўғридан-тўғри сотиб олувчилар рўйхати асосли шакллантирилгани ҳамда аҳолига белгиланган нархда сотилиши ўрганилди. Мониторингда 72 та ҳолатда 251 т. ун тасдиқланган тартибга зид равишда ажратилгани ва қиммат сотилгани аниқланган.

Шунингдек, назорат тадбирларида 19 та қорхона рўйхатга асосиз киритилгани, 31 нафар шахс рўйхатдан ўтмасдан ун савдоси билан шуғуллангани, 22 та ҳолатда ун қиммат сотилгани фош этилиб, қонуний чоралар кўрилиши таъминланган.

Масалан, Бухоро шаҳрида дўкони бўлмаган оилавий қорхона вилоят ҳокимлигининг тасдиқланган рўйхатига асосиз киритилгани ва унга 20 т. ун ажратилгани аниқланиб, ушбу қорхона рўйхатдан чиқарилди.

Департамент ташаббуси билан Фарғона вилоятида 142 та хусусий тегирмон фаолияти қайта тикланиб, кунига қўшимча 100 т. ун ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Умуман олганда, 29 апрелга қадар 1216 та ҳолатда жами 2 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулотлар қиммат нархларда сотилаётгани аниқланиб, олинган ва аҳолига арзон нархда сотилган. 1114 нафар шахсга маъмурий баённома расмийлаштирилган

ҳамда 2 та пора олиш ва 2 та нархни асосиз ошириш жинояти фош этилиб, қатъий чоралар кўрилган.

Аҳоли орасида асосиз ваҳима кўтарилишининг олдини олиш мақсадида 16 562 та тарғибот талбири ўтказилди.

Бундан ташқари, карантин қоидаларига риоя этмаслик ҳамда ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш юзасидан 16 та жиноят иши (шундан 5 таси ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш) ва 113 893 та (шундан 108 704 таси ниқоб тақмаслик, 447 таси карантинда бўлиш қондасини бузиш, 261 таси савдо фаолиятини давом эттириш, 35 таси маросим ва йўгин ўтказиш) маъмурий иш кўзгатилади.

Автотранспортларнинг ҳаракатини чеклаш борасида махсус гуруҳлар ўтказган рейдларда карантин қоидалари бузилган 52 441 та ҳолат аниқланиб, транспорт ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилган, 13 ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатирилган.

Хусусан, фуқаро А.Г. фуқаро З.Р.нинг карантин қоидаларини бузгани учун жарима майдонига кўйилган автомашинасини чиқариб беришни ваъда қилиб, 2,6 млн. сўм пул олган вақтда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади.

Бугун шифокорлар пандемияга қарши курашда олдинги сафда туриб, оиласи ва халоватидан кечиб фидойилик кўрсатганни ҳар қанча эътирофга лойиқ. Бирок шундай шароитда баъзи шифокорларнинг ўз ишига масъулиятсизлик, таъбир жоиз бўлса, виждонсизлик билан ёндашаётгани инфекция тарқалишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, хусусий клиника ва Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимлари эпидемияга қарши кураш қоидаларига риоя қилмасдан, коронавирус инфекцияси белгилари билан мурожаат қилган 3 нафар фуқарога уйда даволаниш муолажаларини таъсия қилиш билан чекланиб, касаллик тарқалишига шароит яратган. Мазкур ҳолат юзасидан Қувасой шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатирилган.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, уни даволаш, дори-дармон ва тиббий жиҳоз учун ажратилган пулларнинг сарфланиши борасидаги ўрганишлар натижасида 1 та жиноят иши кўзгатирилган.

Нazorat тадбирлари давом эттирилмоқда.

**Фаррух ЭСАНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

## ДАСТУРХОНДА КАМЛИК БЎЛМАЙДИ

Коронавирус пандемияси туфайли карантин тартиби жорий этилгач, озиқ-овқат нархининг барқарорлигини таъминлаш, унга нисбатан ажиотаж талаб вужудга келишининг олдини олиш долзарб масалага айланди.

Бу борада Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қатъий чоралар кўриб келмоқда. Хусусан, фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида 1-27 апрель кунлари ҳудудий прокуратура, департамент органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 56515 та қўчма ярмарка ташкил этилиб, аҳолига жами 61343 тонна озиқ-овқат, 1,6 млн. дона кўчат, 250 млн. сўмлик уруғ, 3 млрд. сўмлик кийим-кечак ва 422 млн. сўмлик хўжалик моллари арзон нархларда сотилиши таъминланди.

Шунингдек, доний деҳқон бозори бўлмаган ва бошқа туман марказидан савдо қилишга мажбур бўлаётган 15 та туманда истикомат қилувчи 1,9 млн. аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида ушбу ҳудудлардаги 541 та дўконга 247 та ишлаб чиқарувчи, 1331 та фермер ва деҳқон хўжалиги ҳамда 11289 та томорқачи бириктирилиб, 14-27 апрель кунлари 5,1 минг тонна асосий турдаги озиқ-овқатлар сотилиши ташкиллаштирилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри шартномалар асосида ун етказиб беришга оид вақтинчалик тартиби ихроси назоратга олинди, 17-27 апрель кунлари 40 минг тоннадан ортиқ ун белгиланган режа бўйича савдо нукталарига, ижтимоий муассасаларга, қайта ишлаш қорхоналарига ва қоплилли нон ишлаб чиқарувчиларга етказиб берилди.

Бу борада белгиланган ишлар аниқ режа асосида давом эттирилади.

Фуқароларимиздан карантин шароитида асосиз ваҳимага тушмасликни ва уйда қолиш қоидаларига қатъий амал қилишларини сўраймиз.

**Исломбек КАРИМЖАНОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг бўлим катта инспектори



### КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛМОҚДА

■ Ота-оналарга фарзандлари билан ўз уй атрофида сайр қилишларига рухсат берилади. Бунда карантин қоидаларига риоя этиш талаб қилинади;  
■ Фуқароларга шахсий автомобилларидан эрталаб 7:00 дан 10:00 гача ҳамда 17:00 дан 22:00 гача фойдаланишга рухсат берилади. Бунда ишга бориш-келиш, шифохона, дори-дармон харид қилиш асосий мақсад бўлиши керак.



2020 йил 29 апрель  
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар  
1969 нафар



Соғайганлар  
1096 нафар



Вафот этганлар  
8 нафар



# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ХИЁНАТ БИЛАН БАРОБАРДИР

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раислигида мамлакатда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодийга салбий таъсирини юмшатиш ҳамда қишлоқ хўжалигида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган селектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош прокуратура масъул ходимлари, вилоятлар, туман ва шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура хузуридаги департамент ҳамда бюро раҳбарлари ва худудий бошқармалари бош-ликлари иштирок этишди.

Тадбирда карантин шароитида аҳолини зарур озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини тўхтатган субъектлар ишини тиклаш, коронавирус билан касалланганлар, айниқса касалликни юқтириш манбаи аниқ бўлмаган беморлар билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш бўйича прокуратура органлари амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди.

Шунингдек, жойларда ғалла парвариши, чиги экиш, мева ва सबзотлар етиштириш, аҳо-

ли томорқасидан самарали фойдаланилишини таъминлашдаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди.

Бош прокурор томонидан коронавирус пандемияси шароитида жойларда иқтисодий тармоқларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ошиб кетишининг олдини олиш ҳамда бошқа долзарб масалалар ижроси борасида прокурорлар ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идораларга фаол ёрдам бериши, масъулиятни янада ошириши ва ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида прокуратура органлари зудлик билан амалга ошириши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**



DOLZARB

## «ДАЛАДАН ДАСТУРХОНГА» ТАМОЙИЛИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Бош прокуратура аҳоли томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан қандай таъминланаётгани таҳлил қилинди. Аниқлаштириш, республикада озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан фермер ва деҳқон хўжаликларидан, тадбиркорлар ҳамда аҳоли томорқаларидан етиштирилмоқда. Бироқ уларни истеъмолчиларга арзон ва сифатли етказиб бериш бўйича самарали тизим шаклланимаган.



Хусусан, деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни аксарият ҳолларда марказий деҳқон бозорларидаги олибсотарларга улгуржи нархларда нақд пулга сотмоқда. Бевоқифа фуқароларга маҳсулот сотиш билан шугулланувчи дўкон эгалари эса ушбу маҳсулотларни олибсотарлардан ўртача 20-30 фоиз устамаси билан харид қилишга мажбур бўлаётган.

Ўз навбатида, дўкон эгалари ҳам ўз даромади ва харажатларидан келиб чиқиб, маҳсулот-

ларни сотишда 10-20 фоиз устамаси қўймоқда. Оқибатда аҳоли учун кулай ҳисобланган дўконларда маҳсулот тақчиллиги ва нархларнинг асоссиз равишда қимматлапиши кузатилаётган.

Масалан, Қийрайт тумани «Ўнқўрғон» МФЙда яшовчи Ғ.Эргашев ўзининг 7 сўғтих томорқасида етиштирган помидорини Тошкент шаҳридаги «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори»да (транспорт ва бошқа харажатлари билан) килосини 10 миң

сўмдан сотиб келган. Ўз навбатида, «Динора-Мубина» МЧЖ раҳбари Х.Икромов ушбу маҳсулотни олибсотардан килосини 11 миң сўмдан сотиб олиб, айнан шу маҳалладаги дўкони орқали 13-15 миң сўмдан қайта сотган.

Бош прокуратура хузуридаги департамент томонидан юқоридаги мисолда келтирилган ҳолат бўйича эксперимент ўтказилиб, «даладан дастурхонга» тамойили асосида иш ташкил этилди.

«Динора-Мубина» МЧЖ

Ғ.Эргашевдан воситачиларсиз маҳсулот олиши ташкил этилган натижасида ортқича харажатлар қисқариб, помидор нархи (8 миң сўмга) арзонлашишига эришилди.

Шунингдек, етказиб берилган маҳсулот учун тўловни Ғ.Эргашевнинг пластик картасига ўтказиш орқали нақд пулнинг банкдан ташқари айланишига ҳам чек қўйилди.

Айни ушбу амалиёт республика бўйича эксперимент тарикасида 27 та дўконда ҳам жорий этилиб, уларга маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиб берувчи 515 нафар томорқа ер эгаси бириктирилди. Натижада дўконлардаги кунлик савдо айланмаси олдингига нисбатан 59,1 млн. сўмга, йиллик савдо эса 21,3 млрд. сўмга ортиб, бюджетга 1,3 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланиши кутилмоқда.

Энг асосийси, эксперимент натижаси ишни «даладан дастурхонга» тамойили асосида ташкил этиш орқали маҳсулотлар нархини камида 30 фоиз камайтириш мумкинлигини кўрсатди.

Ушбу амалиётни республикадаги 47 миңдан ортқ озиқ-овқат дўконига жорий этиш бир йилда 37,5 трлн. сўм банкдан ташқари айланишининг олдини олиш, бюджетга қўшимча 1,1 трлн. сўм солиқ ундириш имконини беради.

Ушбу механизмнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини Бухоро тумани мисолидаги таҳлил ҳам яққол кўрсатмоқда.

Аниқлаштиришча, Бухоро тумани ҳокимлиги томонидан 25,5 миң нафар аҳоли ихтиёридаги 4310 гектар томорқадан 390 гектарига картошка, 220 гектарига сабзи, 275 гектарига пиёз, 639

гектарига помидор ва 107 гектарига бодринг экиш бўйича прогноз параметрлари тасдиқланган. Ушбу ерларга экинларни тўлиқ экиш ва сотувини юқоридаги механизм асосида ташкил этиш натижасида:

- етиштирувчиларнинг эҳтиёжидан ортган маҳсулотларни (тахминан 1,1 миң тонна картошка, 1,4 миң тонна сабзи, 560 тонна пиёз, 14,9 миң тонна помидор) бошқа худудларда арзон нархларда сотиш;

- иқтисодиётнинг яширин секторидан 194 млрд. сўм пулнинг банк орқали айланишини таъминлаш;

- бюджетга қўшимча 20-30 млрд. сўм пул ундириш (дўконлардаги товар айланмасининг 10-15 фоизи миқдорига солиқ тўланиши натижасида);

- 25,5 миң кишини расмий иш билан таъминлаш (томорқа эгаларини деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказиш орқали);

- яратилган иш ўринлари ҳисобидан бир йилда бюджетга қўшимча 5,7 млрд. сўм пул ундириш (амалдаги қонунчилик бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан пенсия бадалли ҳисобидан) имконияти яратилади.

Баён этилганларга кўра республика бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларда етиштирилаётган маҳсулотларни дўконларга «даладан дастурхонга» тамойили асосида етказиб беришни жорий этишни тақлиф қилган ҳолда Бош вазирга ахборот юборилди.

**Заҳриддин ҲАЗРАТҚУЛОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



# ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН ПЕНСИЯ ҚАЙТАРИЛМАЙДИ

Бугунги синовли кунларда давлат барча масъулиятни зиммасига олиб, аҳолини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши таъминлаш чораларини кўриб келмоқда. Жумладан, Президентимизнинг фармонлари билан тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларига иш ҳақи, шунингдек, пенсия, стипендия ва нафақалар узлуксиз тўланапти.

Давлат раҳбарининг 27 апрель куни қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Фармонга кўра, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар бир қатор энгиллик ва имтиёзлар берилди. Жумладан, «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари ҳамда уларнинг худудий бўлинмаларига, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларга беғараз бериладиган пул ва товар(хизмат)ларга фойда солигини ҳисоблашда чегираладиган харажатлар сифатида қаралади. Шунингдек, мазкур товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олиннадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди.

«Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаларидан, юридик ва жисмоний шахслардан олиннадиган беғараз ёрдам(пул, товар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчилар маҳаллий ҳокимият органлари тузадиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож одамлар рўйхати киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга турар жойларини ҳамда коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича солиқни фойсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунда кечиктирилган сумма 2021 йил 1 апрелга қадар тенг улушларда тўланиши лозим.

Лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойс даромадлари суммаси фойда солигини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди.

Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фойс харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дав-

лат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам татбиқ қилинади.

Булардан ташқари, мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилди.

Шунингдек, пенсиялар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган, ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсионерларнинг қарзидан кечилиши ҳам белгилаб қўйилди.

2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга (Давлат бюджет ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан тўланади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг 6-бандида назарда тутилган ўз фаолиятини тўхтатган ёки товар(хизмат)лар реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртча ойлик миқдорига нисбатан 50 фойсдан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 1 октябрга қадар солиқларни фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) муддати 31 декабргача узайтирилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари кечиктириш берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ икки йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга.

Ўз мухбиримиз



## ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда карантин тартиби амалда бўлган бугунги шароитда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ҳам мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятининг янги ташкил этилган Тупроққалъа туманидаги ҳарбийлар шаҳарчасида Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Ҳазорасп туман бўлими билан ҳамкорликда кўчма ярмарка ташкил этилди. Аҳоли зарур маҳсулотларни уйдан узокқа бормасдан харид қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Ўз навбатида, ҳарбий шаҳарчанинг мунтазам дезинфекция қилиб борилиши таъминланди. Бунинг учун зарур барча куч ва транспортлар жалб қилинди.

Шунингдек, шу куни ҳарбий прокуратура ва Ҳазорасп тумани мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида Тупроққалъа тумани Шарлаук кўчасида яшовчи уруш қатнашчиси Саттор Алларовнинг уйига ташриф буюрилиб, унга «Улуғ ватан урушидаги ғалабанинг

75 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва совғалар топширилди.

Ҳамкорликдаги хайрли тадбирлар давом эттирилиб, кекса, ижтимоий кўмакка муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам бериш мақсадида ҳарбий прокуратура ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимларидан иборат кўнгилдилар томонидан туманининг Жайхун кўчасида яшовчи Санамжон Абдуллаевнинг хонадонидagi томорқа ободонлаштирилди.

Бугунги синовли кунларда амалга оширилаётган бу каби тадбирлар армия ва халқ бир тану бир жон эканини, барча давлат органлари халқ манфаати учун хизмат қилишини, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини яққол кўрсатмоқда.

Дауран ТУРУМБАЕВ,  
Урганч ҳарбий прокуратураси катта ёрдамчиси

## САХОВАТ ВА КЎМАК

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг худудий тузилмалари ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш чораларини кўриб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ҳам бу хайрли ишлардан четда қолгани йўқ. Жумладан, Навоий ҳарбий прокуратураси вилоят прокуратураси ҳамда Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг ёки вафот этган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳолидан хабар олинмоқда.

Узоқ йиллар Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилиб, вазифасини бажариш вақтида халок бўлган капитан Азиз Раҳимовнинг Навоий шаҳри Маҳмуд Торобий кўчасида яшовчи турмуш ўртоғи Холида Рустамова ҳам она, ҳам ота сифатида икки фарзандни вояга етказмоқда. Унга йигирмага яқин гурдаги асосий озиқ-овқатлар ҳамда тиббий воситалар етказиб берилди.

Шу каби Ғалаба шохкўчасида яшовчи Азиз Мирзаевнинг, биринчи гуруҳ ногирони Толубай Элчиев каби жами 50 нафар собиқ ҳарбий хизматчилар ва марҳум ҳарбийларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги синовли кунларда ҳеч ким эътибордан четда қолиши керак эмас. Қийинчиликларни биргалликда енгамиз.

Қаҳрамон ИСРОИЛОВ,  
Навоий ҳарбий прокурори

25 апрель куни «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.



# ДАСТУР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 15 январь куни инвестиция дастурлари прогноз кўрсаткичларининг ижросига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бюджет тизими маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини бажариш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган эди.

Йиғилишида қурилиш-таъмирлаш ишларини лойиҳасиз ёки лойиҳани ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича қатъий прокурор назоратини ўрнатилган ҳақида топширик берилди. Унинг ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида бюджет тизими маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ хатловдан ўтказилиши ҳамда лойиҳасиз бажариладиган қурилишлар ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилганга қадар тўхтагилиши тўғрисида барча ҳудудларга кўр-

сагмалар берилди.

Унга кўра департамент органларини жалб этган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар, буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар, қурилиш бошқармалари (хусусан, архитектура, экспертиза) ҳамда лойиҳа ташкилотлари мутахассисларидан иборат гуруҳ тузилиб, қурилиш объектларини доимий назорат қилиб бориш амалиёти жорий этилди.

Дастурга киритилган 1379 та объект лойиҳалари оптимallasштирилди, умумий қиймати 6,1 трлн. сўмга камайтирилди. Натигада 1,5 трлн. сўм (22,1

фоиз) иқтисод қилинди.

Бугунги кунда 1537 та янгидан бошланадиган объектнинг 364 тасида тендер ўтказилди, 1173 та оптимallasштирилган ва экспертизадан ўтказилган объект бўйича танлов жараёндари тез орада якунланиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, гуруҳ томонидан қурилишни лойиҳани ишлаб чиқиш билан бир вақтнинг ўзида ҳамда лойиҳасиз бажаришга йўл қўймаслик бўйича 869 нафар мансабдор (шу жумладан, буюртмачи функциясини бажарувчи вазирилик, идора, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, ихтисослашган инжиниринг компаниялари раҳбарлари ва бошқалар) расман огоҳлантирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 16 апрелдаги «2020 йил учун Ўзбекистон

Республикаси давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича жами 3,2 трлн. сўмлик ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларининг қурилиши 2020 йилнинг иккинчи ярмига ўтказилди.

Шунингдек, мазкур қарорда манзилли дастур доирасида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштиришни жорий йилнинг иккинчи чорагида 3 трлн. сўмдан оширмаслик кўрсатилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар бўйича Бош прокуратура томонидан қатъий назорат ўрнатилган.

**Абдурахим МУҲИДДИНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

JARAYON

## ТОМОРҚАДАН ИСТЕЪМОЛЧИГА

Департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси пандемия даврида фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқасида етиштирилаётган маҳсулотлар воситачиларсиз, тўғридан-тўғри савдога чиқарилишини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, Олтиариқ тумани деҳқонлари хар қарич Ҳердан унумли фойдаланишди. Туманда 36,1 минг томорқачининг жами 3105 гектар ери бор. Ушбу ернинг 254 гектариди картошка, 77 гектариди сабзи, 88 гектариди пиёз, 133 гектариди помидор, 111 гектариди бодринг етиштирилиб, пешма-пеш бозорларга чиқарилаётган. Томорқаларда 10,4 минг т. картошка, 19 минг т. сабзи, 26,1 минг т. пиёз, 33 минг т. помидор ва 22 минг т. бодринг етиштириб, туман, вилоят ва қўшни вилоятларнинг аҳолисига сотиш ҳамда хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

Тумандаги бозор ва дўконларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи устига устама қўйилиб сотиб келинган. Қишлоқлардаги дўконлар орқали «даладан дастурхонга» тамойили асосида воситачиларсиз сотувга чиқарилаётгани туфайли бир килограмм картошка 4000 сўм, сабзи 1000 сўм, пиёз 3000 сўм, помидор 7000 сўм, бодринг 3500 сўмдан, аввалги нархларга нисбатан 25-50 фоиз арзон сотилаётган. Энг муҳими, нарх-наво асосиз олиб кетишининг олди олинаётган.

Масалан, «Юксалиш» МФЙда тадбиркор Фазлиддин Турсуналиев дўконига маҳалланинг ўзидagi томорқалардан олган маҳсулотларини аҳолига ортқича устамаларсиз, арзон нархларда сотиб келмоқда. Ҳам сифатли, ҳам арзон маҳсулотлар савдосининг кунлик айланмаси 4 млн. сўмга, йиллик товар айланмаси эса 1 млрд. 440 млн. сўмга ошиши, шундан бюджетга 120 млн. сўм солиқ ундирилиши кутилмоқда. Айни чоғда дўконга маҳсулот топшираётган томорқачилар билан нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш йўлига қўйилган. Фуқаро В.Обичасев дўконга хар қуни 50 килодан бодринг етказиб берган ва унинг пластик картасига қунига 175 минг сўм пул тушган. У бир ойда 3 млн. 600 минг сўм даромад олган. Шунингдек, фуқаро С.Раҳмонов ва Б.Ҳожиакбаровнинг пластик карталарига тўғридан-тўғри дўконга етказиб бераётган помидори учун 6 млн. 300 минг сўм, қўкатлар учун 2 млн. 500 минг сўм пул ўтказиб берилган.

Тумандаги 36 мингдан зиёд томорқачининг ҳам-



маси деҳқон хўжалиги тарзида рўйхатдан ўтказилса, уларга амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди пенсия бадали ҳисобланиб, бир йилда бюджетга жами 8 млрд. 100 млн. сўм ундирилиши таъминланади ҳамда тўланган пуллар уларнинг пенсияси учун меҳнат стажи сифатида ҳисобга олиб борилади. Томорқачилар етиштирган маҳсулотларни пластик карталарга пул ўтказиб харид қилиниши йўлга қўйилса, иқтисодиётнинг яширин сектори орқали айланаётган 446 млрд. 900 млн. сўм маблағни назорат қилиш имконияти яратилади ҳамда хуфиёна иқтисодиётнинг бу йўналишига барҳам берилади. Дўкон эгалари амалга оширган товар айланмасининг 10-15 фоизи миқдориди солиқ тўлаши туфайли бюджетга қўшимча 44 млрд. сўмдан 67 млрд. сўмгача маблағ ундириш имконияти вужудга келади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳудудда яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, бюджетга тушумларни ошириш, аҳолини арзон маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида мутасадди идораларга вазифалар белгилаб берилди. Банк муассасалари ҳудуддаги томорқачилар номига алоҳида пластик карталарни очиб тарқатиш, солиқ идоралари ҳудуддаги томорқачилар ва улар етиштирган маҳсулотлар савдосидан тушган пулларнинг аниқ ҳисобини юритиш ҳамда солиқ тўлаб борилишини таъминлашга киришди.

**Мирзохиджон ТОШМАТОВ,**  
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи

Коронавирус инфекцияси инсониятга жиддий хавф солаётган шу кунларда карантин қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш, одамларнинг кўчага чиқмаслиги учун шароит яратиш мақсадида департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва вилоят прокуратураси ташаббуси билан фермер ҳамда томорқа эгалари етиштирган маҳсулотларни аҳолига тўғридан-тўғри етказиб бериш тизими йўлга қўйилди.

Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Даладан дастурхонга» тамойили асосида Қарши туманидаги Бағотш маҳалласида 27 турдаги асосий озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи дўкон ташкил этилди. Унга шу ҳудудда истикомат қилувчи томорқа эгалари маҳсулотларини шартномага асосан воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бераётган. Оқибатда нарх-наво бошқа дўконлар ёки бозордагидан 30-35 фоиз арзонлашишига эришилаётган. Бу эса истеъмолчиларни мамнун этмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, маҳсулотнинг пули томорқа эгасининг пластик картасига ўз вақтида тушириб берилмоқда.

Маҳаллада яшовчи А.Қудратовнинг 35 сўтих томорқаси бўлиб, унда етиштирган маҳсулотини сотиш учун узок масофага катта харажат тортиб боришига тўғри келарди. Энди у ўз маҳалласидаги дўконга хар қуни 200 килограмм помидор, 250 килограмм бодринг ва қўкатлар етказиб бераётган. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида яна икки томорқачи дўконга шартнома асосида маҳсулот етказиб берадиган бўлди.

Айни пайтда вилоятда шу асосда ташкил этилган 15 та дўконга 42 нафар томорқа эгаси ва фермер шартнома асосида маҳсулот етказиб бермоқда. Вилоятнинг бошқа маҳаллаларида ҳам шундай дўконлар ташкил этиш режалаштирилган. Бир томондан бу аҳоли учун ҳам, маҳсулот етиштирувчилар учун ҳам қулайлик яратди, иккинчи томондан дўконларнинг савдо айланмаси ошиши натижасида бюджетга тушадиган солиқ ҳам кўпаяди.

**Тўлқин ҚУРБОНОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



## БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

2018 йилда Бош прокуратура таркибида Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган эди. Бугунги кунга келиб, бошқарма томонидан давлатимиз раҳбарининг Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид топшириқ ва вазифалари бажарилишини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Мўйноқ туманида ўтган икки йил мобайнида кўп ишлар қилинди. Биргина балиқчилик бўйича гапирадиган бўлсак, туманда 65 минг гектарлик 28 та табиий сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, шундан 24 таси «Ўзбекбаликсаноа» уюшмаси томонидан 9 та балиқчилик хўжалигига шартнома асосида 10 йил муддатга берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликлари ҳамда «Ўзгип» МЧЖ мутахассисларини жалб қилган ҳолда тумандаги эски консерва заводининг балиқ етиштиришга ихтисослашган ҳовузларига сув етказиб бериш йўллари ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, консерва заводи ёрдамчи хўжалигининг умумий майдони 1400 гектар бўлиб, шундан 800 гектарда балиқ етиштиришга ихтисослашган ҳовузлар ташкил этилган.

1995 йилдан буён ҳовузга сув етиб бормагани сабабли ариқлар кўмилиб кетган. Шу боис бугунги кунда ушбу ҳовузга сув олиб келиш учун 13,7 км. узунликда ариқ қазिश, янгидан сув насоси ва трансформаторлар қуриш бўйича 1 млрд. 200 млн. сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилиб, «Кўнғирот мелиоратор» МЧЖ томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунларда ариқ казиб бўлинди. Балиқчилик хўжалиги ташкил этиш мақсадида 10 нафар фуқаро томонидан тадбиркорлик субъектлари ташкил этиляпти. Энг асосийси эса бу ишлар натижасида туманда яшовчи 50 нафар ёшнинг бандлиги таъминланади.

### Қаржаубай БЕКТУРГАНОВ,

Бош прокуратуранинг Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори

## АВТОКРЕДИТ ШАЙДОСИ

Ислом Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оиласини тадбиркорлик ортидан боқиб келарди. 2017 йилда фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Шодлик текстил» МЧЖга асос солди. Ушанда нияти нима эди, билмадик, аммо вақти келиб унинг кирдикорлари ошқор бўлгач, бошиданок бир шумликни кўнглига тулган экан деган хаёлга боради киши.

Ислом Шарипов 2017 йил ноябрь ойи ўрталарида «Туробанк»нинг Наманган вилояти филиали билан йиллик 25 фоиз устама тўлаш эвазига 24 ой муддатга автокредит олиш бўйича шартнома тузишга эришади. Шу тариқа 102282050 сўмлик битта «Ласетти» автомашинасининг бошланғич бадалини шакллантиради. Банк эса автосалонга 71500000 сўм пул ўтказиб беради.

Шартномага кўра машина салондан олиб чиқилгач, гаровга қўйилиши керак эди. Афсуски, И.Шарипов бу амалиётни четлаб ўтади. «Машинани фирма номига олганман. Ҳозир янги. Хужжатлаштириш ишларини ёшига етганидан кейин қилиб бераман» деган айдов билан фуқаро К.Махмудовнинг ишончига кириб, «Ласетти»ни унга 11500 АҚШ долларига сотиб юборади. Бу билан банкнинг тўланмай қолган 66231 600 сўм кредитини талон-торож қилади ҳамда К.Махмудовнинг 95194035 сўм пулини фибригарлик билан эгалаб олади.

Осан топишган лўкма ёқиб қолади шеклиди, И.Шарипов 2018

йил 5 февралда яна бир МЧЖ – «Лидер саноат»ни ташкил этади. Раҳбар сифатида «Халқ банк»нинг Косонсой тумани филиалига учраб, йиллик 24 фоиз устама тўлаш шarti билан 36 ой муддатга иккита «Ласетти» автомашинаси сотиб олиш бўйича шартнома имзолайди ва 145,6 млн. сўм кредит ажратилишига эришади. Яна ўша сценарий такрорланади. Автомашиналар ҳеч қандай гаровга қўйилмайди. 2018 йил март ойида бири 12500 долларга, иккинчиси 12900 долларга сотиб юборилади. Яна банк 145,6 млн. сўмга, Р.Маматов 101750750 сўмга, В.Валиев эса 104425371 сўмга қуйиб қолаверади.

И.Шарипов жиноий қилмишини давом эттириб, 2018 йил апрель ойида «Элегант автотех» номли яна бир МЧЖ ташкил этади. Бу сафар кредит эвазига «Нексия-3» русумли иккита автомашина олади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас уларнинг ҳар бирини 9700 доллардан пуллаб юборади. Албатта, автомашиналар гаровга қўйилмайди. Кейинроқ расмийлаштириб бериш ваъда қилинади.

Текин бўлса типратикани ҳам ютишга шай И.Шарипов фибригарлик борасида шу қадар устомон бўлиб кетадики, энди бу ишда укаси билан биргаликда ташкил этган «Абдулвоҳид савдо сервис» МЧЖдан фойдаланишга тушади. Мазкур жамият номига «Миллийбанк»нинг Чортоқ тумани филиали билан йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti эвазига 36 ой муддатга кредит расмийлаштириб, тўртта «Ласетти» автомашинаси олади. Улар ҳам сотиб юборилади.

И.Шарипов орадан кўп фурсат ўтмай «Файз соф сервис» номли яна бир МЧЖ таъсис этади. Жамият номига автокредит эвазига иккита «Ласетти» олади ва уларни ҳам сотиб пулини қиссага уради.

Бироқ бузукнинг югургани сомонхонагача деганларидек, бундай фибригарликнинг оқибати аниқ эди. Банклар ва фуқароларни алдаб, ишончини суистезъом қилган, уларнинг пулини фибригарлик билан қўлга киритган И.Шарипов суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Одамнинг қалби тоза бўлса, бундай номаъқул ишга қўл урмайди. Яратганининг ўзи ҳеч кимни тўғри йўлдан тойдирмасин!

### Сардорбек МАДРАҲИМОВ,

Наманган шаҳар прокуратураси катта терговчиси

## MUNOSABAT

# ЙЎЛ БУЗГАНГА ЖАЗО БОР


Йўллар таъмирланганидан сўнг кўп вақт ўтмасдан амалга ошириладиган қазил ишлари натижасида йўл сифатининг бузилиши йўловчиларнинг эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатлардан биридир. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун талабларига кўра йўл қайси юридик шахннинг ихтиёрида бўлса, у билан келишмасдан туриб каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темирйўл ва бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўллари кесиб ўтшига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ҳар хил ишлар учун йўлда ёки унинг айрим участкаларида ҳаракатланиш ўша юридик шахс берган рухсатнома асосида чекланади ёки тақиқланади. Рухсатнома бериш жараёнида техник шартлар кўрсатиб ўтилади ва иш олиб борувчи томонидан мазкур техник шартнинг бажарилиши йўл қопламасининг сифатли тикланишини таъминлайди.

Бироқ, йўл қурилиши соҳасида ўтказилган назорат шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда автомобиль йўлларида қазил ишлари рухсатномасиз

ёки рухсатнома талабларига риоя этмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан йўлнинг сифати ёмонлашишига сабаб бўляпти.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар йўлларда ўзбошимчилик билан сунъий говлар ўрнатаётгани ҳам автомобиль йўлларида фойдаланувчилар учун ноқулайлик туғдираётгани сир эмас. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 7 июлдаги қарори билан сунъий говлар бўйича давлат стандарти тасдиқланган. Унинг талабларига кўра яхлит тузилиши сунъий говнинг бааланглиги 7 см дан ошмаслиги, сунъий гов ўрнатилган йўлда бу ҳақдаги огоҳлантирувчи йўл белгиси ўрнатилиши лозим. Шунингдек, давлат стандартида сунъий гов ўрнатилиши мумкин бўлган йўллар ва ўрнатилиши тақиқланган ҳолатлар аниқ белгилан қўйилган.

Айнан юқоридаги каби муаммоларга барҳам бериш ҳамда автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш учун



«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2020 йил 22 январь) қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш қилрилди. Кодекснинг 147-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди:

«Йўлларга, темирйўлдан ўтти жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан, йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан ҳалал бериш, худди шунингдек автомобиль йўлларида ўзбошимчилик билан қазил ишлар

да сунъий нотекистиклар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қондаларини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса ўн баравари миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади».

Таъкидлаш лозимки, Транспорт вазирилик хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 268<sup>4</sup>-модда билан тўлдирилди. Автомобиль йўлларини ўзбошимчилик билан қазил ишлар, уларда сунъий нотекистиклар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қондаларини бузганлик ҳолатлари бўйича «Ўзйўл-инспекция» томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиши белгилаб қўйилди.


Халқимиз «Йўл қурмок савоб» деб бежиз таъкидламайди. Зеро, йўллар халқ фаровонлигини, мамлакатнинг иқтисодий қудратини намён этувчи асосий инфраструктуралардан бири ҳисобланади.

### Алишер ТҲҲИЕВ,

«Ўзйўл-инспекция» бош юриконсулти

Ўзбекистонда коронавирусга чалинганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш мақсадида «Бирга енгамиз» номли мобил илова яратилди.





MOZIYGA NIGON

### ТУЯ УЧИНЧИ БОР ЧЎККАН ЖОЙДА ҚУРИЛГАН МАСЖИД

Шунингдек, бошқа тарихий манбаларда ҳам Абулхасан Ишкий хоразмлик эканлиги ва Хожа Баховуддинга замондош бўлгани, унинг таълимотини ва фотидан кейин ўғли Худойкули шайх, ундан кейин ўғли Илёс шайх давом эттиргани ва уларнинг авлодлари Ўрта Осиё, ҳатто Ҳиндистонда ҳам тарқалгани, XVII асрнинг охиригача давом этгани айтилади. Ишкий шайхларининг йнги-лариди хушовоз ҳофизлар мусиқа жўрлигида кўшиқлар куйлашгани, уларда бандаларнинг Аллоҳга меҳр-муҳаббати бекиёс тарзда куйлангани таъкидланади. Тасаввуф таълимоти ишкий тариқати шайхларининг ширлари асосан худого чекиёс опшиқлик бўлиб, улар бир-бирлари билан учрашишганда «Ишк улло», яъни «Аллоҳнинг ошини» деб саломлашганини айтаётган.

Лангар ота масжиди ва Шайх Абулхасан макбараси турли даврларда бунёд этилган. Айрим ёзма манбалар ҳамда оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларга қараганда, масжидга XIV аср охирида Шайх Абулхасан асос солган. У Бухородан иршод хатини олгач, ушбу

манзил томон йўл олган экан. Шайхнинг пири у кишига «Минган туянгиз учинчи марта чўккан жойда масжид барпо этинг» деган экан. Туяни сўнгги бор хозирги Лангар қишлоғи, яъни масжиднинг ўрнига чўкибди ва Шайх Абулхасан шу ерга масжиднинг пойдеворини қўйибди. Маҳаллий аҳоли у кишига мурид бўлиб, масжид қурилишида кўмаклашган экан.

### ЗАРҲАЛ ДЕВОРДАГИ СИРЛИ ЁЗУВЛАР

Лангар ота масжиди ислом олами меъморчилик санъати билан маҳаллий халқ хунарамандчилик услублари уйғулишида барпо этилган. Бу меъморий обидани Марказий Осиёда ягона десак муболага бўлмайди. Масжид томининг баландлиги, пойдеворига қўйилган тошларнинг улканлиги, устун ва ёғочларнинг кучокка сиғмаслиги уни ўта маҳобатли қилиб кўрсатади. Ёдгорлик уч қисм – кичик масжид, катта масжид ва айвондан иборат бўлиб, умумий майдони етти сўтих. Улар турли даврларда қурилган бўлишига қарамай меъморий услуби ўхшаш, ўзаро тутаниб, яхлит бино шаклини олган.

Масжид деворининг ички томонига ўрта асрлар услубида безак берилган, ўн

иккита деразаси, меҳроб ва минбари тепасига намоз фарзлари, оятлар ва Фотиҳа сураси битилган. Бундан ташқари, зарҳал девор бўйлаб икки хил ёзув: арабча ҳамда оддий нақшга ўхшаб кетадиган номаълум ёзувлар муҳрланган. Юқоридагиси қандай имлолиги, безакми ё рамзий белгиларми – маълум эмас. Қизиги шундаки, улар тўғри чизиклардан ҳосил қилинган бўлиб, кўпи свастика шаклидадир. Бундай рамзлар қадимги туркий халқлар буюмларида, лавҳаларда кўп учрайди. Жумладан, қўнғирот ва кутчи ўзбекларининг ўтовларига ёпилган кигизларда, ғожари гиламларида, қурлариди, боғиш ва тизмаларида айнан шундай нақшларни кўрамиз. Мутахассисларнинг фикрича, бу безаклар Кўк турк подшоларининг ишоралари, аниқроғи давлат рамзлари экан. Бу фикрни инкор этмаган ҳолда таъкидлаш жоизки, улар безак ёки рамзлар бўлибгина қолмай, диний, сиёсий ақидалар ва қонун-қоидаларни аниқлашчи иборалар ҳамдир. Шундан кўринадик, бу белгилар худди хитой иероглифлари каби имло вазифасини ўтаган. Зеро, иероглифлар ҳам алоҳида харф ва товушларини эмас, балки нарсаларни, ҳаракатни, тусунчаларни ифодалаган.

### УЛУҒ МУТАСАВВУФЛАР АБАДИЙ ҚЎНИМ ТОПГАН ЖОЙ

Шайх Абулхасан макбараси масжиддан бир сой бериди тепалиқда жойлашган. Атрофи қабристон, тобутхонадан 100 метрга юрилгач, хилхонага борилади. Бу ёдгорлик масжиддан тахминан 100 йил кейин қурилган бўлиб, меъморчилик услуби Хўжа Аҳмад Ясавий макбарасиникига ўхшашдир. Девори ва гумбази пишк гиштдан тикланган, эшиклари, даричалари нафис, жимжимдор нақшлар билан безатилган. Макбаранинг ичиди бешта қабр бўлиб, улардан учтаси ўз ўлчами ва ёдгорлик тошлари билан ажралиб туради. Қираверишдаги алоҳида қабрга шайхлар хонадонига мансуб бўлмаса-да, ижтимоий мавқеи билан юқори лавозимлардан бирини эгаллаган Амирбек Содик ибн Баҳодир дафн этилган. Қадимшунос олим Абдусобир Райимқулонинг таъкидлашича, Лангар ота макбарасига тасаввуф таълимотининг ишкий тариқати шайхлари Абулхасан Ишкий, унинг ўғли шайхзода Муҳаммад Содик ва набираси Абулхасан Охунд дафн этилган. Тўртинчи қабрга эса лавҳа йўқ, шу боис у кимники эканлиги маълум эмас. Тадқиқотчилар бу ерга Амир Темурнинг ўн тўрт яшар заифа

набираси дафн этилган деб тахмин қилишади. Аммо илгари бу масканда имом бўлиб ишлаган мулла Жаббор Абдулазиз бошқача фикрда. У бундан 13 йил аввал Афғонистондан зиёратга келган бир аёл бу қабрга Шайх Абулхасайннинг кизи қўйилган деганини ўз фикрига асос қилиб кўрсатди. Бу фикр ҳақиқатга яқин деб айтиш мумкин. Чунки Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида бу ерда абадий қўним топган шайхларнинг бобоси Шайх Худойқулнинг қабри бор. Афғонистонликлар уларнинг авлодлари ҳақида биздан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлиши ажабмас. Шундай бўлса-да, бу масала ҳали тўлиғича ечимини топган эмас.

### ФОЗИЛЛАР ВА ФОТИХЛАР ТАЛПИНГАН ОБИДА

Ўрта аср тарихчиси Ибн Хавқал мақкур қишлоқ худуди қадимда Кеш вилоятига бўйсунувчи Сиям туманига қарашли бўлгани, туманининг номи айниқса 776 йилдан сўнг жуда машҳур бўлгани ҳақида ёзган. Археологик қазималар пайтида сомонийлар даврига оид гиштлар топилиши бу манзилгоҳ ушбу сулола ҳукмронлиги даврида ҳам фаолият кўрсатганидан далолат беради.

Лангар қишлоғида жойлашган тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар билан танишиб, Лангар шайхларининг ҳаётига оид кўплаб маълумотлар тўплайдим.

### ХИРҚАЙИ МУБОРАК ҚАЕРДА?

Бу масканнинг катта зиёратгоҳи сифатида қадриятининг сабаби шундаки, ундаги махсус сандиқда арабий ёзувининг кўфий усулида битилган қадимий Катта Лангар Қуръони, Пайгамбаримизнинг қулоқлари ва тўнлари – Хирқайи муборак авайлаб сақлаб келинган. Бу либосни Иброҳим алайҳиссалом номи билан ҳам боғлашади. Ривоят қилишларича, пайгамбар ўз фарзандини қурбонлик қилмоқчи бўлганида Аллоҳ унинг ўрнига сўйиш учун жаннатдан кўк қўқор юборган. Иброҳим алайҳиссалом қўқорнинг гўштини ўз қавмига тарқатиб, жундан шу чакмонни тайёрлаган. Муқаддас либос авлоддан-авлодга ўтиб, Васил Қора деган улуг шайхга, ундан кейин Шайх Абулхасанга етиб келади. У киши ва унинг авлодлари дунёдан ўтиб кетишгач, бу муқаддас либос асримиз бошлариди лангарлик Абдулла бобонинг қўлига тегади. Хирқайи муборакни ўз қўзи билан қўрган кишиларнинг гувоҳлик беришича, унинг ранги қўнғирга мойил, сояда қорамтир, ой ёғдусида мовий, кўш нурда эса зангор тусда товланиб турган. Неча асрлардан бери қўлдан-қўлга ўтиб келаётган бўлса-да, асло эскирмаган, ранги ҳам униқмаган.

Ушбу либоснинг Иброҳим пайгамбарники эканлиги анча баҳсли. Чунки у кишига нисбат бериладиган чакмон хозирги пайтда Бағдод шаҳрида сақланиши тўғрисида маълумотлар бор. Лангар отадаги Хирқайи муборак бошқа либос эканлиги ҳақиқатга яқинроқ. Лекин бундан унинг илоҳийлигига заррача шубҳа туғилмаслиги керак. Буюмининг қарийб янги ҳолатдалиги, матоси ва ранги шундан далолат беради. Хирқайи муборак тарихий жиҳатдан ҳам гоёт қимматлидир.

Хирқайи муборакнинг кейинги тақдири қандай кечган? Қишлоқ қарияларининг гувоҳлик беришича, 1925 йилгача у Абдулла бобоникда сақланиб келган. Шу йили Москвадан «маданият жонқуярлари» келишини ва Хирқайи муборакни ўзлари билан олиб кетишини эшитган қишлоқ совети раиси Поён Жалилов буюмининг тарихий аҳамиятини тушуниб етиб, уни асраб қолиш ҳаракатига тушади. Тезда туя жуни топтириб, ундан нусха тайёрлади ва эски туси бериш учун унга чанг ва нафталин сеипиб, ДХҚ ходимларига тақдим этади. Асл нусха шу тариха сақлаб қолинади. Абдулла бобо вафот этгач, либос Қулфин могога, ундан сўнг Тўхта бувага ўтади. Кейин ҳам бир неча марта либосни олиб кетишга уринишлар бўлган. Охири 1984 йилда Хирқайи муборакни Москвага олиб кетишга муваффақ бўлишади.

Шу ўрнида совет ҳукумати даврида ўзбек халқининг қанчадан-қанча бойликлари, осори-атикалари марказга ташиб кетилганини айтмасдан иложимиз йўқ. Юртимиз мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбарларининг саяё-ҳаракати билан маънавий бойликларимизнинг бир қисми ўзимизга қайтарилди. Жумладан, Хирқайи муборак билан бирга олиб кетилган қулоҳ ва кийик терисига битилган Қаломуллоҳ (Катта Лангар Қуръони эмас) Лангар отага қайтарилган. Муқаддас либос эса Истанбул шаҳридаги «Хирқайи шариф» масжидида сақланмоқда.

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Нур»

# ТАРИХНИНГ ТИЛСИЗ

# ТИЛСИМЛАРИ

### БЕНАЗИР САБОҚЛАР МАСКАНИ

Бебаҳо қадриятларимиз ва муаззам тарихимиз саҳифаларида Лангар ота номи билан боғлиқ муқаддас маконлар ҳамда ривоятлар бир талай. Ислоний маърифат дарғалари – шайхлар ва азиз авлиёлар макон тошган бу табаррук манзилларда аждодларимизнинг бутунги кун ёшлари маънавий камолоти учун асқотадиган беназир сабоқларини учратиш мумкин.

Мамлакатимизда тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, қадамжолар анчагина. Улар ислом динидан аввал, оташпарастлик, буддавийлик ақидалари ҳукм сурган пайтларда ҳам бўлган. Уларнинг қолдиқлари тоғларда кўп учрайди. Ислон дини ёйилгач, масжид ва малрасалар, улуг шайхлар дафн этилган жойларга макбаралар қурилган. Уларни зиёрат қилиш одат тусига кирган. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири Қамаш туманининг Лангар қишлоғида денгиз сатҳидан минг метр баландликда барпо этилган Лангар ота масжиди ва Шайх Абулхасан макбарасидир.

### НЕГА ЛАНГАР ОТА НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ?

Чироқчи туманида ҳам айнан шу номдаги ёдгорлик ва қишлоқ бор. Хўш, бу табаррук қадамжолар нега Лангар ота номи билан аталади? Турли манбаларда турлича ёзилган лангар атамаси кўпроқ мувозанатни сақлаш, ҳаракатни бир маромда тутиб туриш маъносини аниқлатади. Баъзи ривоятларда ислом динида сўфи ва дарвешлар лангар ташлаш орқали жойлашадиган ерларини аниқлашгани, шунингдек, бу атама мўғулча лангўр – қабр, яъни энг катта авлиёнинг қабри ёки бошқача таърифда мусофирхона, хайр-эхсон тарқатиладиган жой, азиз-авлиёлар лангар ташлаган макон маъноларини бериши айтилади. Лангар атамаси

тўғрисида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Яъни у тарихий шахс эмас, жой номи билан боғлиқ бўлиб, марказ, қалъа, кўрғон, бандаргоҳ сўзларига муқояса қилинади. Айтишларича, илгари ҳар иккала жойдаги дарёлар ниҳоятда серсув бўлиб, ҳатто кемалар қатнаган экан. Лангар қишлоқлари эса кемалар тўхтайдиган, аниқроғи, лангар ташланадиган жой бўлган.

### ЗАМИННИ ТУТИБ ТУРУВЧИМИ ЁХУД ИШКІЯ ШАЙХИ?

Эл оғзида бу ҳақда яна бир гап юради. Лангар ота Аллоҳ таолонинг назари тушган, бу заминни бамисоли лангарчўндай тутиб туриб, халқни бало-қазолардан асраб экан. Улуг шайхлар ҳам айнан шу манзилларда тўхтаб, масжид барпо этганлари бежиз эмас. Хуллас, бу хусусда турлича талқинлар бор.

Оғиздан-оғизга ўтиб келган ривоятлар ва ҳужжатли маълумотларга кўра, «Лангар ота» атамаси исломий дарғалардан бири – тасаввуф таълимотининг ишкий тариқати шайхи Абулхасанга нисбат бериб айтилган. Аслида бу силсиланинг бошида Абулхасаннинг тўртинчи бобоси, Пайгамбаримиз (с.а.в.) чориёрларидан ҳазрати Умар розийоллоху анху, Султон Вайсил Қорайини ҳамда шайх Боязид Бистомийлар туради.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг «Насойимул-муҳаббат» номили асариди 770 машоийх ҳақида маълумот келтириб, унинг 628-бандида Абулхасан Ишкий ҳақида шундай ёзди: «Шайх Абулхасан Ишкий (сирлари муқаддас бўлсин) Хоразмдандур. Шайх Боязид Ишкий Қуддуси сиррихуқим силсиласи султонул-орифин Боязид Бистомий раҳимоллоҳуга етар, анга тарбият қилгандир. Ўз замонида фақир ахлининг муқталоси эрмиш, балки машоийхнинг пешвоси. Мурид ва асхоси кўп, қаромат ва мақомати андин кўпроқ».

## ЁХУД ЛАНГАР ОТА ЗИЁРАТГОҲИ ҲАҚИДА

*Ўтган йили Рамазон ойида Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Лангар ота зиёратгоҳида сақланган Катта Лангар Қуръони ҳақида республика телевидениесиди бир ой давомида кўрсатув берилган эди. Лангар ота жой номими ёки инсоннинг исмими? Агар инсоннинг исми бўлса, унинг авлод-аждодлари ким ва қаердан? Ёдгорлик мажмуини ким ва қачон қурган? Мазкур зиёратгоҳ билан Чироқчи туманидаги Лангар ота зиёратгоҳининг бир-бирига қандай боғлиқлик томони бор? Мақоламизда шулар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.*



XIV – XVI асрларда бу худуд ислом дини ривожига катта ҳисса қўшган илмий марказлардан бирига айланганини, бу ерга олис юртлардан келган илмга ташна кишилар тасаввуф аломаларидан сабоқ олишганини кўриш мумкин. Шунингдек, 1889 йили Бухоро амирлигининг шарқий худудларида харбий ҳаракатлар олиб борган полковник Беляевский Лангар қишлоғидаги тарихий обидалар ҳақида ёзиб қолдирган хотиралари, рус харбий муҳандиси Борис Касталскийнинг бу маскан ҳақидаги илмийликка яқин фикрлари қимматли. Бундан ташқари, расом Борис Литвинов, археолог Сергей Кабанов ва шарқшунос олим Михаил Массон



# УНДАН МУАММО БЎЛМАЙДИ

Коронавирус пандемияси тарқалишига қарши кураш олиб борилаётган бир пайтда аҳоли учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири саналади.

Шу боис юзага келган вазиятни инобатга олиб ҳукуматнинг 16 апрелдаги «Коронавирус пандемияси шароитида республика аҳолисига давлат ресурслари ҳисобига ун маҳсулотларини тизимли ва кафолатли етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги йиғилиш баёни билан барча ҳудудларга бир маромда ун етказиб берилишини таъмин-

тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада кунига 112 тоннадан ортиқ 1-навли ун ишлаб чиқарилаётган. Бугунги кунда корхона омборларида минг тоннадан ортиқ ун захираси бор. Шунингдек, корхонанинг 30 минг тонна сифимга эга бугдой омборининг захираси ҳам етарли.

— Корхонамизда иш кизгин. 150 нафардан ортиқ ходимнинг хавфсизлиги ва соғлиғи назоратда. Ҳозир ишлаб чиқараётган унимизни биринчи қўл тамойили асосида вилоятдаги барча арзонлаштирилган дўконларга, нон ва макарон ишлаб чиқарадиган корхоналарга етказиб бермоқдамиз, — дейди **корхона директори Давлатёр Наврўзов**.


Шовот туманидаги 55 та маҳаллада 18 та арзонлаштирилган дўкон, 16 та кўчма дўкон ташкил этилган. Департамент органлари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳолига 28 т. картошка, 1 т. пиез ва 32 т. ун ва бошқа озиқ-овқатлар арзон нархларда етказиб берилди.

Туманининг Истиқбол маҳалласида ташкил этилган арзонлаштирилган дўкон ҳам маҳсулотларга тўла. Аҳоли оралиқ масофани сақлаган ҳолда, карантин қоидаларига риоя этиб, керакли маҳсулотларни сотиб олмақда. Ун тумандаги корхонадан тўғридан-тўғри келтириляпти. Шунингдек, шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Жасурбек Абдуллаев ҳам узокқа бормасдан шартнома асосида иссиқ нон етказиб бермоқда. Департаментнинг вилоят бошқармаси ҳамда вилоят прокуратурасининг кўмаги билан новвойга янги пластик карта очилиб, кунлик тўлов картага ўтказиб берилдиган бўлди. Бу билан дўкон ва новвойнинг савдоси жонланиб, бюджетга солиқ тушуми ҳам ошиши кўзда тутилган.

— Уни олдин биржа орқали сотиб олар эдик. Энди тўғридан-тўғридон корхонасидан олаяпмиз, — дейди **тадбиркор Жасурбек Абдуллаев**. — Илгари тандир нони 1500 сўмдан сотар эдим. Ҳозир унинг нархи арзонлагани учун 1200 сўмдан маҳалладаги арзонлаштирилган дўконга етказиб бераман. Сабаби, ортиқча оврагарчилик, транспорт харажати йўқ.

Бу каби хайрли ишлар аҳолини бирдамликка, қийинчиликларни ҳамжихатликда енгиб ўтишга ундайди.

**Дилрабо КУРЯЗОВА,**  
журналист



# ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ ШАРАФ

Бугунги синовили дамларда аҳолини ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан керакли чора-тадбирлар белгиланган. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси ва ҳудудий бўлимлар ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳокимлик, прокуратура, департамент ва давлат солиқ инспекцияси ҳамкорлигида кишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш мақсадида «Баққолиқ» МЧЖ омборхоналарида марказлаштирилган база яратилди. Мазкур базадан «Халққа хизмат» ширини остида Бухоро шаҳридаги 65 та маҳаллада жойлашган 70 та дўконга арзон нархларда маҳсулот етказиб берилмоқда.

Шунингдек, туманларнинг узок ҳудудларида жойлашган 208 та маҳаллада кўчма ярмаркалар орқали аҳолига қарийб 64 т. картошка, 30 т. сабзи, 38 т. пиез, 10 т. қарам, 24 т. гуруч, 108 т. ун, 29220 кг. ўсимлик мойи ва 26 т. бошқа турдаги маҳсулотлар сотилди.

Ҳозирги вақтда аҳолининг нафақат озиқ-овқатга, балки дори-дармонга ҳам эҳтиёжи мавжуд. «Дори-дармон» МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган кўчма дори-дорихоналар ҳам халқ хизматида.

тадбиркорлар билан 1056 марта тарғибот тадбири ўтказилди. Натижада қиммат нархда сотиш мақсадида яширинча сақлаб келинаётган 64 т. картошка ва 15 т. пиез аниқланиб, бозорларда арзон нархда сотилиши таъминланди. Назорат тадбирларида 16 та ҳолатда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиммат нархда сотилаётгани аниқланиб, 18 млн. сўмлик маҳсулотлар вақтинча олиб қўйилди.

Аниқ фактларни айтдиган бўлсак, Зарафшон шаҳрида яшовчи фуқаро Шарипов Бухоро вилояти Ромитан туманида яшовчи Низом ва Суръат исмли шахслардан 9,5 т. картошканинг хар қилосини 5000 сўмдан сотиб олиб, ноқонуний равишда Навоий вилоятига олиб чиқиб кетаётгани аниқланган. Ромитан туманидаги тадбиркор Саидов 10 т. картошкани қўшни вилоятларга қиммат нархда сотишни кўзлаб, Тошмачит кишлоғида яширинча сақлаб келатгани аниқланган. Мазкур картошкалар Гиж-



лаш мақсадида уни биржа савдоларисиз, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш бўйича топшириқ берилди. Бу борада Хоразм вилояти прокуратураси, департаментнинг вилоят бошқармаси ёрдами билан вилоятдаги ун ишлаб чиқарувчи тўртта корхонанинг унлари 350 дан ортиқ арзонлаштирилган дўконга, қолиқли нон ишлаб чиқарувчи 194 та, кулча ва макарон ишлаб чиқарувчи 213 та корхонага тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб берилиши таъминланмоқда.

Биргина Шовот туманидаги «Шовот дон маҳсулотлари» АЖ суткасига 150

ўтган даврда кўчма дори-дорихоналар орқали 35 мингта тиббий ниқоб, 25 минг дона спирт, 10 мингта антисептик восита ва 280 хил дори-дармон фуқароларга етказиб берилди.

Тиббий ниқоб танқислигининг олдини олиш мақсадида «Дори-дармон» МЧЖ билан ҳамкорликда вилоятдаги дори-дорихоналарга қўшимча равишда 5000 та арзон тиббий ниқоб тарқатилди.

Дори-дармон ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларга 986 марта огоҳлантириш берилди. Нархнинг асосий охирилиши бўйича 28 та маъмурий иш юритилди.

Шунингдек, департамент ходимлари озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи

дувон туман деҳқон бозори ва Бухоро шаҳар улгуржи деҳқон бозорларида фуқароларга арзон нархда сотилиши таъминланди.

Нархларни асосий охирилиши ва сунъий танқисликни юзага келтиришининг олдини олиш борасида ўтказилган тадбирларда иккита ҳолатда биржа савдосида ун нархи брокерлар томонидан сунъий равишда оширилгани аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди.

Нарх-наво кескин оширилгани ҳақидаги 24 та муурожаат қонуний ҳал этилди.

**Нилуфар АХМЕДОВА,**  
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори





Рашк асида шерикчилик мумкин бўлмаган насага шерикчилик қилиш оқибатида ҳақ эгасининг ғазоби кўзишини англатар экан. Инсон жуфтини қизғаниши билан унга бўлган эътибори ва меҳрини ифода этади.

Аммо қалб кўзининг заифлигидан ёки умуман ожизлигидан асида ижобий хис саналган рашк ҳам ҳозирги кунда иллатга айланиб бормокда. Унинг меъри бузилиши оқибатида қанчадан-қанча келишмовчиликлар бўляпти, муносабатларга дарз кетаяпти, меҳр-оқибат кўтариляпти.

Баъзилар ноўрин рашк туфайли жароҳат етказишгача борадилар.

Ражаб (исмлар ўзгартирилган) чакана савдо билан шуғулланади. Дўконини эрта тонгда ўзи очади, кейинроқ хотини Малика келиб, кун бўйи савдо қилади.

Айни ёз пайти, полиз экинлари ғарк пишган. Ражаб дўконга полиз махсулотларидан ҳам келтириб қўйган.

Эрталаб келган Ражаб дўконни очди. Кейинроқ Малика келиб дўкон атрофини тозалашга чиқди. Махсулотларни сотишга тайёр қилиб, савдонни бошлаб юборишди. Ражаб «Мен бориб перашка олиб келай, нонушта қилиб оламиз» деб юз метрлар узоқдаги ошхоналарга қараб кетди.

Шу пайт дўконга ёш қизи билан бозорлик қилиб юрган 35-40 ёшлардаги бир киши келди.

– Саламалайкум, қасавица. Помидор, пиёз борми?

– Ҳа, бор.

– Ўзингизга ўхшаган чиройли-чиройлисидан, нозанинларидан икки кило помидор беринг, – деди нотаниш одам.

Бу одам Наим эди. У оиласи билан анча пайтдан бери Америкада ишлаб юриб, бир-икки ой аввал юртга қайтганди. Ўша пайти маст бўлиб, ўйлаб гапир

радиган ахволда эмасди.

– Бунақа гапларни айтманг. Мен бу ерда эрим билан савдо қиламан, – деди Малика.

– Сизни уйимга олиб кетаман дегганим йўқ-ку. Фақат чиройли памидор сўрадим.

Малика памидорни ўлчаётганда Наим унинг кўлидан ушлаб шилқимлик қилмоқчи бўлди.

– Торт қўлингни, нима қилаяпсан? – деб бақириб силтаб ташлади аёл.

– Нима бўляпти? – қўшни дўкондан Олим чиқиб келди.

– Чиройли памидор беринг дегман-да, – деди Наим.

– Ака, бу киши янгам бўлади. Бунақа гапларингизни айтманг. Нарсаларингизни олиб кетинг бу ердан, – деди.

– Бор, йўқол, ақл ўргатма менга. Бориб дўштингни сот, – деди Наим жадли чиқиб.

Шу пайт Ражаб келди.

– Ҳа, нима гап, нима бўляпти?

Наим унга ҳам гапирган гапларни айтганди, Ражабнинг тепа сочи тикка бўлди.

– Менинг хотинимга гап отишга уялмайсизми? – деб бақирди.

Унис у деди, буниси бу. Ўртада жанжал чиқди. Шу пайт Наимнинг онаси пайдо бўлди. «Сенинг шу ишларинг жонимга теги-да» деб уни олиб кетди.

– Шошманг, хола, ўглингиз билан гаплашиб олишим керак, – деб бақириб қолди Ражаб.

«Маҳаллангга бораман, ўша ерда гаплашамиз», – деди ғазбланиб. Кейин аламини хотинидан олди. Дўконга кириб, ундан нима бўлганини батафсил сўраб олди. Ҳаммасига хотини айбдордек, у билан уришиб қолди, «энди дўконда ишламайсан» деб дўконни ёпиб, Маликани уйига олиб кетди.

Хотинини уйига қўйиб, ўзи Наимнинг уйини суриштириб билиб олди.

Ражабнинг рашки келиб, тобора жадли чиқаверди. Шу ердаги бошқа сотувчилар олдидан гурури поймол бўлгандай туюлаверди. Наим билан юзлашиб, ғазабини сочгани келаверди. Кун бўйи шундай хаёлар гирдобиди юрди. Ўша кунни ўз ишлари билан юрган таниши Каримни кўриб қолди.

Ражаб асабийланиб, бўлган воқеани айтиб берди.

– Маст одам гапираверди-да, эътибор берма, – деб тинчлантиришга уринди у.

– Йўқ, мен барибир ўша одам билан гаплашаман, кечирим сўрашини талаб қиламан, – деди Ражаб.

– Маст одам билан тенг бўлма, савдога ҳар хил одам келди, турли ҳолат бўлади-да.

Ражаб индамади.

Кейинги кун эрталабдан дўконни очди, бироздан кейин Малика келиб савдонни бошлади.

Ражаб ортиқ чидолмади, узоқдан Каримни кўриб, ёнига келди.

– Юр, кечаги жойга бориб келайлик.

– Ҳалиям шуни ўйлаб юрибсанми?

– Кетдик, менинг машинада бориб келамиз.

Карим Ражабни фикридан қайтаролмаслигини билгач, рози бўлди.

– Агар жанжал қиладиган бўлсанг, бормайман.

– Жанжаллашмайман, фақат гаплашаман, – деди Ражаб.

Улар Наимнинг уйига боришди. Ҳовли дарвозаси очик, Наим ҳам шу ерда турганди.

– Мана шу одам, – деди Ражаб.

Карим машинадан тушиб: – Ака, бир минутга мумкинми? – деди.

Ражаб машинадан тушиб, уларга яқинлашди.

– Кеча дўконга борганингиз эсингиздами? Мени танидингизми? – деди у.

Наим сал нарироқдаги чойхона томон боришни айтди. Улар Карим иккови шу томонга юраверди. Ражаб машинага ўтириб, шу томонга хайдади.

Тушаётиб, машина эшигининг

чўнтагидан пичоқ олиб, белига бериктиди. Бу пайтда Карим билан Наим шу ердаги ҳовузга келиб, Карим бетонга ўтирди. Наим тик турганди. Ражаб Наимни кўриб баттар ғазоби ортди.

Рашк ўти, аламу нафрат ўз кучини кўрсатди. Ражаб бориб Наимга пичоқ санчди.

– Нима қилиб қўйдинг? – бақирди Карим.

Унинг кўлидан пичоқни олиб, отиб юборди. Наим бир-икки қадам ташлади-ю йиқилди. Карим унга ёрдам беришга ошиқди, лекин унинг уйдан югуриб келаётганларни кўриб қўриб қолди. Ражабни машинага миндириб, кўздан ғойиб бўлди.

Наимни қариндошлари шифохонага олиб кетди. Аммо у шифохонага етмай, йўлда жон таслим қилди.

Ражаб Каримни машинасининг олдига қўйиб, уйига келди. Бўлиб ўтган воқеани отасига айтиб берди. Отаси уни ИИБга олдиб келди.

Рашк туфайли бир инсоннинг умрига зомин бўлган Ражаб суд ҳукми билан 17 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**Ғолиб АБДУРАХМОНОВ,**  
Самарқанд вилояти  
прокуратораси бўлим бошлиғи

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ НАЙРАНГИ

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг сайёр суд мажлисида Қувват Бозоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, Қувват Бозоров 1979 йилда туғилган. Оилали, тўрт фарзанди бор. Маълумоти ўрта махсус, вақтинча ишсиз. Чироқчи тумани «Пахонди» МФЙда яшайди. Илгари унга нисбатан кўзгатирилган жиноят иши амнистия туфайли тугатилган. Кейинги гал эса жарима тўлаб кутулган эди. Сўнг ахлоқ тузагиш жазосини ўтади. Кейин яна... Охири бу жазо озодликни чеклашга алмаштирилган, айни чоғда шу жазони ўтаётган эди.

Илгари «Томорка хизмати» МЧЖда мутахассис бўлиб ишлаган Қувват Маданият қишлоғида яшовчи таниши Гулбахор Махмарасуловага «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олишига кўмаклашганди.

Бир қанча вақтдан сўнг Г.Махмарасулова унга телефон қилди:

– Танишларим кредит олмоқчи эди. Ёрдам бера олмайсизми?

– Бўлди, гап йўқ, опа, – ваъдани қуюқ қилди Қувват.

Г.Махмарасулова унга қишлоқдоши Бибиҳожар Холбоевани учраштирди.

Қувват унинг келинлари Озода Ирзаева ва Барно Тожиева номига чорва-

чилик билан шуғулланиш учун банкдан имтиёзли кредит олиб беришини айтди. Гап орасида бунинг озгина «харажати» борлигини ҳам қистириб ўтди. Аёл ҳожатбарор топилганидан қувониб, дарҳол 500 минг сўм чиқариб берди. Эртаси кунни ҳужжатларга қўшиб Қувват айтган 600 минг сўмни ҳам келтириб берди.

Бироқ Қувват бу пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юбориб, пинак бузмай юраверди. Орадан ойлар ўтди ҳамки, кредитдан дарақ бўлмади. Бу орада «харажат»га берилган пулга қўчқор олиб боқилганида ҳам рўзгорга қанча фойда бўларди.

Тоқати ток бўлган Бибиҳожар опа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд мажлисида судланувчи айбини тан олди. Қилмишидан пушаймонлигини айтиб, қонуний енгиллик сўради.

Гарчи жабрланувчи унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтган бўлса-да, суд ҳукмига кўра Қувват Бозоровга илгари тайинланган жазони қисман қўшган ҳолда 2 йилу 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Нажмиддин МАВЛЯНОВ,**  
Чироқчи тумани прокураторининг ўринбосари

«Ўзбекнефтгаз» АЖ матбуот хизмати хабарига кўра, жорий йилнинг 29 апрель кунидан бошлаб Аи-92 маркали бензиннинг нархи 5500 сўм қилиб белгиланди.





## НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТ ЯХШИЛИК КЕЛТИРМАЙДИ

Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан кўрилган чоралар натижасида соҳага оид кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгармоқда. Масалан, энергия ресурслари бўйича 2018 йилда истеъмолчилардан 625,7 млрд. сўм ундирилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 904,5 млрд. сўмга етди. 2020 йилнинг дастлабки уч ойида эса 324,2 млрд. сўм қарзлар ундирилди.

Албатта, бюро ходимлари ўзига юклатилган вазифани масъулият билан бажараётгани туфайли шундай натижага эришилмоқда. Инспекторлар ўзларига бириктирилган хушуддаги хонадонларга ҳар ойда камида бир марта бориб, ишлатилган табиий газ ва электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширапти.

Афсуски, шунга қарамай газ ёки электр тармоғига ноқонуний уланаётган истеъмолчи-

лар ҳам учраб турибди. 2020 йилнинг дастлабки икки ойида 392 та шундай ҳуқуқбузарлик фош этилиб, давлатга 938 млн. 256 минг сўм зарар етказилгани аниқланди. Бугунги кунга қадар унинг 654 млн. 852 минг сўми ундирилди.

Масалан, бюронинг Аму-дарё тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда фуқаро Қ.Е. ўз хонадонидан электр тармоғига ноқонуний улангани маълум бўлди. Шу тариха у ту-

ман электр таъминоти корхонасига 49 млн. 126 минг 400 сўм зарар етказган.

Зарарни бартараф қилиш учун 30 кунлик муддат берилишига қарамасдан, бундан бош тортгани учун унга суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Мухамбетали БАБАТАЕВ,**  
МИБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

## ҚАРЗ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Мажбурий ижро бюросининг Янгиқўрғон тумани бўлими томонидан қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш чоралари кўриб келинмоқда.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2019 йил 18 июндаги ижро ҳужжати асосан К.Қаюмовдан Р.Қосимовга етказилган 128 036 100 сўм зарарни ундириш белгиланган. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга ихтиёрий муддат берилди. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқармагани сабабли унга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, яъни 2 230 000 сўм жарима солинган ва ундирилган.

Шундан сўнг ижро ҳужжатини бажариш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юборилди.

Олинган маълумотларга кўра Наманган шаҳар Машраб кўчасида қарздорга тегишли, эҳтиёждан ортиқча деб топилган кўчмас мулк борлиги аниқланиб, 11 февраль куни хатланди.

Қарздор бир неча марта оғохлантирилишига қарамасдан қарзини тўлмагани сабабли хатланган мулк 126 092 000 сўмга баҳоланган ва ўн кун ичида қарзини тўлаш тўғрисидаги оғохлантириш хати К.Қаюмовнинг яшап манзилига юборилган.

Бироқ қарздор бу талабни бажармаган ва давлат ижрочисининг 2020 йил 17 март кунги қарорига асосан унинг хатловдаги кўчмас мулкни электрон онлайн-аукционда сотишти, Р.Қосимовга қарзи ундириб берилди.

**Раҳматилла АЗИМОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

## ҚУЛАЙ САВДО МАЙДОНЧАСИ

2017 йил 27 июлда давлатимиз раҳбарининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани ҳаёtimизда туб ўзгаришларга асос бўлган муҳим қадамлардан бири эди.

2017 йил 1 сентябрдан бошлаб суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукционлар фақатгина «E-ijro aukcion» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказиб келинмоқда.

Интернет тармоғида «E-ijro aukcion» электрон савдо майдончасининг [www.e-auksion.uz](http://www.e-auksion.uz) веб-сайти яратилди. Шу ўринда

айтиб ўтиш керакки, авваллари мажбурий ундирув тартибидан қарз мулкка қаратилса, ана шу мулк турли риэлторлик ва бошқа ихтисослашган савдо ташкилотлари орқали сотилган. Кўп ҳолларда мулк савдога кўйилгани тўғрисидаги ахборотдан кўпчилик хабардор бўлмаган, чунки бундай хабарлар савдодан бир ой олдин фақат бир марта босма ОАВда чоп этилган.

Бир сўз билан айтганда, бу замонавий ахборот тизими бошқа соҳаларда бўлганидек, фақат адолат тамойили асосида иш кўришга, юртдошларимизга қулайлик яратишга, халқимиз манфаатини таъминлашга хизмат қилади.

**Баҳодир КЕНЖАЕВ,**  
МИБ Ђиждувон тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

## БИНО ХАТЛАНГАЧ...

Бюронинг Шаҳрисабз шаҳар бўлими ходимлари томонидан ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш бўйича амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 27 январдаги ижро варақасига асосан қарздор «ART DOORS» МЧЖдан ундирувчи Қашқадарё вилоят ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси фойдасига 26 млн. 960 минг 778 сўм ундирилиши белгиланган.

Қарздор бўлим давлат ижрочилари томонидан бир неча мартаба оғохлантирилган. Аммо

қарздорлик тўловни пайсалга солавергач, жорий йилнинг 26 февраль куни қарздорга тегишли бинолар хатлаб олинди.

Шундан сўнг жамият томонидан қарздорлик тўлаб берилди.

**Хуришд ГУЛМАНОВ,**  
МИБ Шаҳрисабз шаҳар бўлими бошлиғи



## САВОБ ИЛИНЖИДА...

Бугунги синовли кунларда кўмакка муҳтож, камбағал оилаларга ёрдам бериш бурчи эканини ҳис қилиб, савобли ишларни давом эттираётган юртдошларимиз сафи кенгаймоқда.

Хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Арнасой тумани бўлими Халқ қабулхонаси билан ҳамкорликда тумандаги 15 та оиланинг ҳолидан хабар олиб, уларга олти хил озиқ-овқат тарқатди.

Бундан ташқари, бюронинг Шароф Рашидов тумани бўлими «Гандумтош» МФЙдаги учта оилага озиқ-овқат тарқатди ва 100 минг сўмдан газ пулини тўлаб берди.

**Шерали КЕНЖАЕВ,**  
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Мамакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг Молдини олиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Карантин эълон қилиниши муносабати билан аҳолининг катта қисми ўз уйида қолмоқда. Бу эса электр энергияси, табиий газга талаб ортишига олиб келмоқда. Шундай шароитда аҳолига уйдан чиқмаган ҳолда фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини тўлаш имкониятини яратиш жуда муҳим.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги вазиятда камбағал оилалар коммунал тўловлардан қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмади қолди. Шуни эътиборга олиб, уларнинг муаммолари ҳомилар кўмаги билан ҳал этилмоқда. Жумладан, 14 апрель куни савботалаб кишилар олтига маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 16 та оиланинг салкам 18 млн. сўмлик қарзини тўлаб берди. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

**Илҳомжон ҚОДИРОВ,**  
МИБ Наманган шаҳар бўлими бошлиғи



## БИР ЙИЛЛИК АЛИМЕНТ ТЎЛАНДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг 2011 йил 11 апрелдаги буйруғига асосан Жарқўрғон туманида яшовчи Д.Қурбоновдан вояга етмаган икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди.

Бироқ қарздор алиментни доим кечиктириб, Мажбурий ижро бюроси ходимлари аралашуви билан тўлаб келарди. МИБ ходимлари карантин даврида фарзандлари қийин аҳволда қолганини тушунтиргач, масъулиятни ҳис қилган ота бир йиллик қарзи, яъни 9 миллион сўми бирйўла тўлаб берди.

Бу мажбуриятини виждонан бажарган ота фарзандларининг тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

**Собир ҒАНИЕВ,**  
МИБ Жарқўрғон тумани бўлими бошлигининг ўринбосари



# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Шухратилла Мухамедов табаррук 60 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органларидаги меҳнат фаолияти давомида Бош прокуратура ва Тошкент шаҳар прокуратураси органлари тизимида турли лавозимларда, шунингдек, Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари, Бухоро ва Самарқанд вилояти прокурори

Ш.Мухамедов ўзининг ишчанлиги, самимий ва фидойилиги каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва жамоатчилик орасида хурмат қозонган.

Унинг узоқ йиллик хизмат фаолиятидаги машаққатли ва самарали меҳнати ҳуқуқимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолаб, “Меҳнат шўхрати” ордени ва “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Хурматли Шухратилла Нигматович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

сифатида самарали меҳнат қилиб, жамиятда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

JARAYON

## БЮРОКРАТИК ТАРТИБ ЎРНИГА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМ

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик учун қулай имконият яратиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Doing Business» («Бизнес юритиш») йиллик ҳисоботида Ўзбекистоннинг рейтингини яхшилаш ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2018 йил 18 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ Қурилиш (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланган. Мазкур қарор қабул қилингунча қурилиш тугалланган бино ва иншоотлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланган тартиб асосида фойдаланишга қабул қилинган.

Масалан, авваллари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 апрелдаги 328-қарорининг 4-иловасига мувофиқ Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси қошидаги 14 та ваколатли идора вакилидан иборат комиссия тузилган. Бироқ шунда ҳам қурилиш тугалланган бино-иншоотни фойдаланишга қабул қилиш учун комиссиянинг 14 та органи мансабдорларининг имзоси етарли бўлмаган ва туман ҳокимининг қурилиш (реконструкцияси) тугалланган

бино ва иншоотни фойдаланишга қабул қилиш бўйича қарори қабул қилиниши талаб этилган.

Энди бу тартибга тўла барҳам берилди. Бугунги кунда тадбиркорлар қурилиш тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича Давлат хизматлари марказига ёки онлайн тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳозир қурилиш тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилишда бор-йўғи икки ваколатли орган иштирақ этади ва тўққиз иш кунини мобайнида фойдаланишга қабул қилиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида кўчирма тақдим қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур соҳани ислох қилиш орқали хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига ва энг муҳими қонунбузилишларнинг олди олинishiга эришилди.


Бундан ташқари, жараёнда 14 та ишчи органнинг иштироки тугатилиб, атиги иккита ваколатли орган қолдирилди ва улар ўртасидаги ахборот алмашинуви «ягона дарча» тамойили асосида фақат электрон тарзда амалга оширилиши белгиланди. Қолаверса, асоссиз рад қилинган ҳамда кўриб чиқиш муддати бузилган аризалар юзасидан Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан доимий назорат ўрнатилиб, қонун бузилишига йўл қўйган шахслар жавобгарликка тортилмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун бузилишига йўл қўйган ваколатли органларнинг мансабдорлари ҳамда масъул ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш механизмини электронлаштириш ва жараёни тўлиқ автоматлаштириш тўғрисида топширик бергани хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқишда ҳамда давлат идораларининг масъулиятини оширишда катта туртки бўлди.

Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши юртимизда бизнеснинг ривожланишига хизмат қилади.

**Ж.ЮСУПОВ,**

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғалаба боғи мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

КЕЛГУСИ  
СОНДА

БАЛОҒАТДАГИ  
БОЛАМ...  
ЯЪНИ  
ТАРБИЯ  
ҲАҚИДА

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEKKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Ⓜ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4130  
20 000 nusxada bosildi.  
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: U.DEKKANOV  
Sahifalovchi: S.BABAJOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Toshpirdi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7817



9 772010 761004

30-APREL 2020-Y.

HUQUQ № 17

(12/14)

11





## Хар бир ассоциацияга кўмак

UEFA ўз расмий сайтида ташкилотга аъзо 55 та ассоциацияга коронавирус сабабли бўлаётган инқироз сабабли пул ажратилганини маълум қилди.

Хар бир ассоциацияга 4,3 млн. евродан, жами 236,5 млн. евро пул ажратилди.

Қайд этилишича, UEFA олдинроқ қўйган талабларини қайтиб олган ва хар бир давлат вазиятга қараб иш тутиши кераклигини маълум қилган.

Эслатиб ўтамоқчи, бугунги кунга келиб, дунёда коронавирусга чалинганлар сони 3 млн.дан ошиб кетди.

## Фуқароларни кузатиш тақиқланди

Исроил Олий суди махсус қонун қабул қилинмагунча ҳукумат коронавирусга қарши кураш мақсадида фуқароларнинг ҳаракатини кузатиши мумкин эмас деб қарор чиқарди.

Март ойида ҳукумат фавқулодда ҳолат тартибни жорий этгандан сўнг хавфсизлик хизмати фуқароларнинг мобил маълумотларини кузатишни бошлаган эди. Бундай технологиялардан аввалроқ террорчиликка қарши курашда фойдаланилган эди, бироқ пандемия вақтида маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун тўпланган.

Исроиллик журналистлар ва ҳуқуқ фаоллари бунга қарши чиққан. Суд «махфийлик тамойилларига мос келадиган муқобил вариант»ни топши зарурлигини таъкидлади.

## Йўлга етиб олиш учун пиёз баҳона

Ҳиндистоннинг Оллоҳобод шаҳрида яшовчи бир киши карантин пайтида пиёз савдогари қиёфасида Мумбайдан уйига етиб олишга уринган. Бу ҳақда CNN нашри хабар берди.

Қатъий изоляция тартибига қарамай, озиқ-овқат орттилган транспортларга штатлар чегарасини кесиб ўтишга руҳсат берилган. 21 апрель кун Мумбай аэропорти ходими Прем Мурти Пандей озиқ-овқат бозоридан 28 тонна пиёз харид қилган. У сабзавот ижарадаги юк машинасига ортиб, ҳайдовчи ёллаган. Прем сабзавот сотувчиси сифатида карантин пайтида ўрнатилган постлардан ўтишни ниёт қилган.

Прем жонажон Оллоҳобод шаҳрига 1400 км. масофани уч кунда босиб ўтган. Йўл давомида учта штатдан ўтган. 25 апрель кун Оллоҳобод полициячилари Премнинг ниятидан воқиф бўлишган ва уни карантинга жойлашган.

«Унда коронавирус аломатлари йўқ, лекин эҳтиёт юзасидан икки ҳафтага тиббий муассасага жойлаштирилди», — деди маҳаллий полиция вакили Арвинд Кумар Сингх.

## Дастёр робот кучуклар

Сингапурда кўргазма павильонлари ва бошқа қатор иншоотлар коронавирусга чалинган беморлар учун зудлик билан қайта жиҳозланаёпти. Чунки мамлакатда кам ҳақ тўланадиган меҳнат мигрантлари орасида инфекцияни юқтираётганлар сони кескин кўпаймоқда.

Хусусан, Чанги туманидаги мослаштирилган бино хоналарига қон босими мониторинглари ва бошқа тиббий жиҳозлар ўрнатилган. Уларнинг ёрдамида беморлар кунига уч марта ўз саломатлигини текшириш имкониятига эга бўлади. Масофадан бошқариладиган роботлар эса уларга овқат олиб келиб беради ҳамда юзма-юз мулоқотни қисқартириш учун телеконференция хизматларини кўрсатади.

Бу каби жойларда шу кунларда «Boston Dynamics» компанияси ишлаб чиқарган тўрт оёқли робот кучуклар ҳам синовдан ўтказилаёпти. Улардан беморга дори-дармон етказиб бериш ёки унинг ҳароратини ўлчашда фойдаланиш мумкин экан.

Бугунги кунда 5,7 миллион аҳолига эга давлатда беморлар сони 12 мингдан ошиб кетган ва бу Осиёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирidir. Бу ҳақида «Reuters» агентлиги хабар бермоқда.

Мамлакат ҳукумати касалланиш кўп бўлишига қарамай, 12 киши қурбон бўлгани, жонлантириш бўлимида эса 24 киши ётганини маълум қилган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Сингапур университети мутахассислари «касалликка мойиллар вирус юқтириши ва кейин соғайиб кетиши»га асосланган SIR модели ёрдамида бутун дунёда, шу жумладан Марказий Осиёда «COVID-19» эпидемияси қачон тугаши мумкинлигини ҳисоблаб чиқишди. Мазкур тадқиқот натижалари Сингапур технология ва дизайн университети (SUTD) сайтида эълон қилинди. Вазият кундан-кунга қутилмаган томонга қараб ўзгариб тургани боис, тахминлар ҳам шунга монанд, сўнгги маълумотлар асосида турфа мазмун касб этмоқда. Қуйидаги хулосалар охириги ўзгаришларни акс эттирган.

Қозоғистонда, олимларнинг айтишича, мавжуд беморларнинг 97 фоизи 5 июнгача аниқлаб бўлинади, 17 июнга келиб, ушбу кўрсаткич 99 фоизни ташкил этади. Эпидемия эса 20 августда узил-кесил енглади.

Ўзбекистонда вирус юқтирганларни аниқлаш бўйича натижалар 3 майдаёқ 97 фоизга чиқади, 99 фоизлик чегарага эса биз 8 майда етамиз. Мазкур тадқиқот муаллифлари юртимиз 24 майга келиб «COVID-19»дан бутунлай халос бўлади, дея ишонч билдиришган.

Ушбу хабарномада, эпидемия Қирғизистонда 6 июнь, Россияда 19 августда

таъкидланган. «Моделлар ва маълумотлар мураккаб, ривожланаётган ва турфа шароитларга эга турли мамлакатларнинг барчаси учун бирдек мувофиқ келмаслиги мумкин», — дейилади ҳисоботда.

«Ўқувчилар хар қандай тахминни эҳтиёткорлик билан қабул қилишлари лозим. Айрим эҳтимоллий саналарга асосланган кучли оптимизм хавфи, негаки, келажакка ўта кучли ишонч мавжуд интизомни ва назоратни сусайтириши мумкин. Натижада вирус ва инфекция тарқалишига қўшимча қулайлик яратилади. Бунга йўл қўймастик зарур», — дейилади хабарда.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭПИДЕМИЯ ҚАЧОН ТУГАШИ ТАХМИН ҚИЛИНДИ



ниҳоясига етишини тегишли хулосалар ёрдамида асослаб беришган. Ер юзидаги барча давлатларни назарда тутганда, коронавирус инсонларни жорий йилнинг 9 декабригача безовта қилишда давом этади. Маълумки, Тожикистон ва Туркменистонда ҳозирча «COVID-19» аниқлангани расман қайд этилмаган.

Юкорида таъкидланганидек, ушбу тадқиқотни ўтказишда SIR моделидан фойдаланилган. Мазкур услуб мутахассисларга грипп эпидемияси ва бошқа касалликларнинг йирик шахарлар бўйлаб тарқалиш хусусиятларини аниқ таснифлаш, жараёнга янги параметрларни жорий этиш ва воқеалар ривож бўйича турли тахминларни таҳлил қилиш имконини беради. Изланишларнинг назарий ва услубий ҳисоб-китоби Цзяньси Лонинг «COVID-19 қачон тугайди?» номли мақоласида муфассал баён этилган.

Турли жадваллар акс этган саҳифада жойлаштирилган дисклеймер маълумотларида таҳлиллар қатъий таълим ва тадқиқот мақсадларини кўзлаб келтирилгани, шу боис муайян хатолардан холи бўлмаслиги мумкинлиги алоҳида

Популяция жараёни бир-бирдан фарқ қиладиган ҳудудларнинг ўзига хослигини, масалан аҳоли зичлиги хар хил турли минтакаларни, шунингдек инфекция юқиши турлича рўй берадиган ва кичикроқ ёхуд касаллик тарқалишининг дастлабки босқичини бошдан кечираётган ҳудудларга хос эҳтимоллий омиллар турлича бўлган ҳолатларни инобатга олиш зарур бўлганда SIR-модель наф бермаслиги мумкин.

Янги коронавирус ҳақида яна шу маълумот ҳам мавжудки, янги-янги ҳудудларни камраб оларкан, ушбу вирус дурагайлашаркан. Масалан, Кембриж ва Христиан-Альбрехт-Киль университетлари олимлари яқинда 160 тўлик геномларни ўрганиш натижаларини чоп этишди. Мақолада қайд этилишича, айни пайт ер юзида «COVID-19»нинг турлича — А, В, С шаклидаги кўринишлари мавжуд.

Европа бўйлаб кезиб юрган тип — С эса, ўз навбатида иккинчи шаклдан Хитойдан ташқарида урчиган.

Хитойлик олимлар — профессор Ли Ланьцзюань (Li Lanjuan) ва унинг Чжэцзян университетидеги ҳамкасблари эса ўзлари олиб борган изланишлар натижасида ер юзининг турли нукталарида мазкур коронавирусга тегишли камида 30 га яқин генетик турлар тарқаб кетганини аниқлашди.